

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

НОГИРОНЛАРГА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ХАРАЖАТЛАРИ КОМПЕНСАЦИЯЛАНАДИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг қўшма қарори (АВ томонидан 13.03.2012 йилда 1229-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Сиёсатчилари назарда тутилганидек, протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситаларига муҳтож бўлган ногиронлар ушбу маҳсулотлар билан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари орқали бепул таъминланадилар. Яқка тартибдаги реабилитация дастурларида назарда тутилган протез-ортопедия маҳсулотларини ўз маблағларига харид қилган ногиронларга пулли компенсация тўланишини тартибга соладиган меъёр янгилик бўлди. Компенсация республика бюджетидан ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида, реабилитация техник воситасининг ўртача қийматидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

Шунингдек меҳнатда шикастланиш юзага келтирилган, иш берувчи жабрланувчига унинг ўртача ойлик иш ҳақи (даромад)ни қоплашдан ташқари компенсациялаши шарт бўлган қўшимча харажатлар рўйхати кенгайтирилди. Энди агар ногирон Тиббий меҳнат эксперт комиссияси томонидан турли ёрдам хилларига муҳтож деб топилса ва уларни тегишли ташкилотлардан бепул олишга ҳақли бўлмаса, даволаниш; протезлаш; қўшимча овқатланиш; дори-дармонлар харид қилиш; санаторий-курортларда даволаниш, шу жумладан жабрланувчининг зарур ҳолларда уни кузатиб боровчи шахснинг ҳам даволаниш жойига бориш ва келишига ҳақ тўлаш; бошқаларнинг парваришлари; махсус транспорт воситаларини харид қилиш ва бошқа ёрдам турлари; шунингдек адвокатни ёллаш бўйича – жабрланувчи билан иш берувчи ўртасида зарарни қоплаш бўйича низо юзага келганда ва низо жабрланувчи фойдасига ҳал қилинган ҳолатда харажатлар қопланиши керак (илгари мазкур ногиронни протезлаш ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлашга доир харажатларгина компенсацияланган).

2012 йил 23 мартдан кучга кирди.

МИЖОЗ ҲИСОБВАРАҒИДАН МАБЛАҒЛАРНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШНИНГ ЯНГИ ҚОИДАЛАРИ

Марказий банк бошқаруви, Молия

вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2012 йил 15 мартда 2342-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан янги Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди. Олдин амал қилган Йўриқнома (рўйхат рақами 615, 30.01.1999 йил), унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб топилди.

Янги йўриқнома талаблари: тугатилаётган ҳисобварақларга; хатланган ёки чекловлар ўрнатилган ҳисобварақларга;

МВ ва ДСҚ томонидан тасдиқланган схемаларда белгиланган ҳисобварақларга; қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилмайдиган ҳисобварақларга нисбатан қўлланилмайди.

Йўриқномага биноан, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағида маблағ унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаганда, асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банк 2-сон картотека пайдо бўлганлиги тўғрисида 3-сўровноманинг «тақиқ» файлини «2» белгиси билан шакллантириб, Банк депозиторлари базасига юборади. Ушбу маълумотлар кўрсатиб ўтилган ахборотлар базаси орқали барча бошқа ҳисобварақлар очган банкларга узатилади. Улар олингандан сўнг банклар шу амалиёт кунидан кечикмаган ҳолда, ушбу маълумотлар амалиёт кунидан кейин олинганда эса – кейинги амалиёт кунидан хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа ҳисобварақларидаги пул маблағларини унинг асосий ҳисобварағига мемориал ордер асосида ўтказиб беришлари шарт. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағида 2-сон картотека пайдо бўлгандан сўнг, унинг бошқа барча иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очилган банклар томонидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш ва асосий ҳисобварағига бўлган тўловлардан ташқари бошқа тўловларни амалга ошириш тақиқланади.

2-сон картотека пайдо бўлганда, ҳисобварақ эгаси томонидан ариза билан кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар миқдорида боғлиқ ҳисоб-китоб жорий ойнинг иккинчи ва учинчи ўн кунлигининг 1-кунига, яъни 11 ва 21-санасида, кейинги ойнинг 3-санасигача банкка тақдим қилинади (олдин аризалар жорий ойнинг 3-санасигача қабул қилинган).

Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун сарфланадиган маблағлар лимити нотўғри ҳисобланганлиги аниқланган тақдирда, банклар улар бўйича тақдим этилган ариза ва тўлов ҳужжатларини қабул қилмасликка ҳақли (олдин бундай ҳолларда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига жарима солинган).

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг

инкассо топшириқномалари маблағларни мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш учун асос бўлиб ҳисобланмайди. Давлат мақсадли жамғармаларига муддатидан тўланмаган мажбурий тўловларни ундириш борасидаги инкассо топшириқномаларини энди фақатгина давлат солиқ хизмати органлари қўйишга ҳақли. Бундан ташқари, иш ҳақини тўлашга берилган кредитни узишга доир муддатли мажбуриятлар ҳам мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Янги йўриқномага мувофиқ, мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш учун ҳисобварақ эгасининг тўлов топшириқномалари бўлиши шарт. Аввал ҳисобдан чиқариш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг жарима ва иқтисодий санкциялар кўринишидаги даромадларига ундириш бўйича ваколатга эга бўлган давлат органларининг қарорлари бўйича амалга оширилган.

Тегишинча, ходимларга иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадалларни, касаба уюшмаларига ихтиёрий бадалларни, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларини ўтказиш бўйича тўлов топшириқномалари хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳамда бухгалтер томонидан имзоланиши ва думалоқ муҳр билан тасдиқланиши шарт.

2012 йил 25 мартдан кучга кирди.

БОШ КУТУБХОНА ХОДИМЛАРИ УЧУН ЯНГИ КЛАССИФИКАТОР

Президентнинг 20.03.2012 йилдаги ПҚ-1729-сон қарори билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасига бир ойлик муддатда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва республика ҳудудий ахборот-ресурс марказлари ходимлари касб ва лавозимларининг янги классификаторини тасдиқлаш топширилди. Ушбу классификаторда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, ахборот-кутубхона технологиялари бўйича мутахассис, етакчи мутахассис ва бош мутахассис лавозимлари назарда тутилган бўлиши керак. Кутубхоначи ва библиограф лавозимлари тугатилади. Шунга мувофиқ Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига (Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2010 йилдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган) тегишли ўзгартиришлар киритилади. Президент қарори билан белгиланишича, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбар ва мутахассисларининг иш ҳақи миқдори Миллий кутубхона ходимларининг иш ҳақи 15 фоизгача миқдорда илгари белгиланган устама ҳақларни сақлаб қолган ҳолда, республика ва вилоят ах-



борот-кутубхона муассасалари учун назарда тутилганидан 1 разряд юқори бўлиши керак.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 15.03.2012 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2011 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-312-сон Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 72-сон қарори билан Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, фонограммаларни тайёрлаш, шунингдек аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низом ва Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, фонограммаларни тайёрлаш, шунингдек аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси лицензияловчи орган ҳисобланади, ишчи орган функцияларини эса Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти ҳузурида Интеллектуал мулк агентлиги, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва бошқа давлат бошқаруви органлари мутахассисларидан тузилган ишчи гуруҳ бажаради.

Ҳужжат билан лицензияланиши керак бўлган фаолият турлари рўйхати аниқлаштирилган бўлиб унга аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш; аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни сотиш; аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни прокатга бериш; фонограммаларни тайёрлаш; аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш киритилган. Қуйидагилар билан боғлиқ фаолият лицензияланмайди: аудиовизуал асарлар, фонограммалар ёки ЭҲМ учун яратилган дастурларни

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Юридик маслаҳатлар

1-бетда шахсий мақсадларда оилавий фойдаланиш учун такрорлаш билан боғлиқ фаолият; ЭХМ учун яратилган дастурларни сотиш ва такрорлаш билан боғлиқ фаолият, агар бундай фаолият ЭХМ учун дастур яратилишини ташкил қилган ҳамда ЭХМ учун яратилган мазкур дастурга нисбатан мутлақ мулк ҳуқуқларга эга бўлган юридик шахс томонидан амалга оширилаётган бўлса; ЭХМ учун яратилган дастурларни сотиш, агар ЭХМ учун яратилган дастурнинг қиймати ускуна (серверлар, принтерлар, компьютерлар, ноутбуклар ва ҳоказолар) қийматида киритилган бўлса.

Низомда лицензия талабгорига нисбатан талаблар белгиланган ҳамда уни олиш учун тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати ўзгартирилган.

Талабгор аризасини кўриб чиқиш учун йиғим ЭКИХнинг 5 баравари, давлат божи – ЭКИХнинг 10 баравари миқдорда белгиланган. Лицензияни қайта расмийлаштириш ёхуд дубликатини олиш учун лицензиат ЭКИХнинг 2,5 бараварини тўлайди.

Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низом билан лицензия талабгорига нисбатан қўйиладиган лицензия талаблари, шунингдек зарур ҳужжатлар рўйхати белгиланган.

Шунингдек Қарор билан белгиланишича, кино-, видеомаҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича ҳамда грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ЎРҚ-312-сон Қонуни кучга киргунга қадар хўжалик юритувчи субъектларга берилган лицензиялар уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қилади. Уларнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг хўжалик юритувчи субъектлар юқоридаги қоидаларга мувофиқ лицензия олишлари шарт. Ҳозирги вақтда ЭХМ учун дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш бўйича лицензиясиз фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар ушбу фаолият турларини тегишли лицензия олгунга қадар, бироқ 2012 йил 1 майдан давом эттириш ҳуқуқига эгалар.

Ҳужжат билан Интеллектуал мулк агентлигига аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭХМ учун дастурларга мутлақ (номутлақ) мулк ҳуқуқларга эга бўлган ҳуқуқ эгаларининг маълумотлар базасини яратиш топширилди.

ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 16.03.2012 йилдаги «Чет элда кўргазма-ярмарка фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 73-сон қарори билан ТИАИСВ, Иқтисодий ва саноат вазирлигининг ҳорижий мамлакатларда Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмар-

каларини ҳар йили ташкил этиш ва маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг чет элдаги халқаро кўргазма-ярмаркаларда кенг иштирок этиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Белгиланишича, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ушбу кўргазмалар ва ярмаркаларда қатнашиш, шу жумладан чет элда ўтказиладиган кўргазмалар ва ярмаркаларда қатнашиш билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда юридик шахсларнинг фойдасидан олинмаган солиқни ҳисоблаб чиқишда чиқариб ташланадиган реклама харажатларига кирим қилинади.

ТАЪЛИМ СИФАТИ – ДОИМИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 20.03.2012 йилдаги 76-сон қарори билан 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастурини амалга ошириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низом билан Махсус комиссиянинг куйидаги асосий вазифалари белгиланди:

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб боришни таъминлаш ҳамда ҳар ярим йиллик ва умуман йил якунлари бўйича унинг жорий ижроси натижаларини Вазирлар Маҳкамаси мажлисларининг кўриб чиқиши учун киритиш;

Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма)га умумий раҳбарлик қилиш ва Жамғармага юкланган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ)нинг таклифлари бўйича олий таълим муассасалари бинолари ва иншоотларининг амалдаги техник ҳолатини, шунингдек ҳар бир олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда уларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги манзилли дастурларини тасдиқлаш;

Жамғарманинг даромадлари барқарор шакллантирилиши, ўз вақтида молиялаштирилиши ва Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиш;

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар ва ношароит ташкилотларини жалб этиш, шунингдек хайр-эҳсон қилувчиларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг грантлари ва маблағларини жалб этишда Жамғармага кўмаклашиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Махсус комиссия ишларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни вазирликлар ва идоралардан сўраш ва белгиланган

тартибда олиш;

ўз мажлисларида вазирликлар ва идоралар вакилларининг, шунингдек Махсус комиссия ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича ўз аъзоларининг ахбороти ва ҳисоботларини эшитиш;

зарурият бўлганда, Президентнинг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сон қарори билан маъқулланган рўйхатга киритилган олий таълим муассасалари объектлари бўйича танлов таомиллари ўтказилишини тезлаштириш, уларнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашни назарда тутган ҳолда лойиҳа ва тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш муддатлари тўғрисида қарор қабул қилиш;

зарурият бўлганда, календарь йил мобайнида Жамғарма даромадлари (манбалар бўйича) ва харажатлари прогноз параметрларини аниқлаштиришга, шунингдек МВ, ИВ ва ОЎМТВнинг, шунингдек тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг ҳулосалари асосида манзилли дастурнинг прогноз қувватларига ўзгартиришлар киритиш;

Дастурни амалга ошириш доирасида алоҳида масалаларни ўрганиш ва улар бўйича таклифлар тайёрлаш учун ишчи гуруҳлар ташкил этиш.

МАЛАКА ОШИРИЛИШИ ШАРТ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 17.03.2012 йилда 2343-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Мазкур Низомнинг қабул қилиниши «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунда солиқ маслаҳатчиларининг ўз малакасини ошириш мажбурияти белгиланганлиги билан боғлиқ. Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш белгиланган тартибда солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича махсус ўқув курси бўйича ўқитишни амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари (кейинги ўринларда – таълим муассасалари) томонидан таълим муассасаси ва солиқ маслаҳатчиси ёки солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Малака ошириш ҳар йили 1 апрелга қадар, 2012 йилда эса – 2012 йилнинг 1 июнига қадар амалга оширилади. Таълим муассасаси томонидан солиқ маслаҳатчиси малака сертификатининг орқа томонига малака ошириш курсини ўтаганлиги тўғрисида белги қўйилади. Солиқ маслаҳатчилари ҳар йил 15 апрелгача, 2012 йилда эса – 15 июн-гача Молия вазирлигига малака ошириш курслари ўтаганликлари тўғрисида ахборот тақдим этадилар.

2012 йил 27 мартдан кучга кирди. 2012 йил 10 мартдан 21 мартгача бўлган даврда қабул қилинган ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини эксперт-юристаримиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ДЖУМАШОВ тайёрладилар.

МЕҲМОНЛАР ТУГАТИШ УЧУН ХАЛАҚИТ БЕРМАЙДИ

Агар ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор қилинганидан кейин фирма хўжалик фаолиятини давом эттирса, хусусан, тугатиш даврида хориждан раҳбарларнинг дўстлари ва қариндошлари корхонага меҳмон сифатида таклиф этилсалар, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида қандай жазо чораси (жиноий, маъмурий ёки бошқа хил) назарда тутилган?

Н.Расулова, бош бухгалтер.

– Агар ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингани тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор қилинганидан кейин корхона муассислари (иштирокчилари) Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом (Президентнинг 27.04.2007 йилдаги ПҚ-630-сон қарори билан тасдиқланган) 7-бандига мувофиқ фаолиятни тиклаб, тугатиш жараёнини бекор қилган бўлсалар, фаолиятни тиклаганлик далили учун (бошқа ҳуқуқбузарликлар бўлмаганда) корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан қонун ҳужжатларида жиноий ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган.



Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 3.07.1999 йилдаги 327-сон қарори билан тасдиқланган) 1.2-бандига биноан «молия-хўжалик фаолияти» атмаси остида корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб ва товарга илова ҳужжатларини юритиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш фаолияти тушунилади. Ушбу таърифдан келиб чиқилганда корхонага хориждан МЧЖ раҳбарларининг дўстлари ва қариндошлари таклиф қилиниши молия-хўжалик фаолияти ҳисобланмайди.

Агар ташкилотингизга нисбатан маъмурий ёки жиноий иш қўзғатилган бўлса, бунга бошқа ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин, бу ҳолда яхшиши адвокатга мурожаат қилинг.

Елена ЕРМОХИНА, эксперт-юристамиз.

- ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-2-бетлар**
- ✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
- Меҳмонлар тугатиш учун халақит бермайди
- Янги намунадаги паспорт
- Лицензияни қайта расмийлаштириш учун асос **2-3-бетлар**

- ✓ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ
- Қонунни билмаслик қимматга тушади
- Пенсиянинг бўлиши учун болалар асос бўла олмайди
- Пенсияга қачон чиқилади? **4-бет**
- ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
- Моддий жавобгар шахснинг алмашиши
- Таътил – ас ҳолида

- Меҳнат дафтарчасини тўлдириш тили
- Ходим 15 ёшда бўлса
- Ишдан бўшаш ўрнига таътил
- Қонуний 3 кун
- Шифокор стажи узилганмиди? **5-7-бетлар**
- ✓ КЎП БИЛГАН – КАМ БЎЛМАЙДИ
- Излар кўп нарсадан дарак беради **8-бет**

Эшитишимча, Тошкент шаҳар ички ишлар туман бўлимларининг ҳаммасида, Тошкент вилоят ИИБда эски намунадаги паспортни янги – биометрик паспортга алмаштириш бошланибди, ушбу жараён тез орада Сирдарё вилоятида ҳам бошланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти биометрик паспортга қайси муддатда, кимлар томонидан алмаштирилиши лозим?

А.Фуломов.
Сирдарё шахри.



ЯНГИ НАМУНАДАГИ ПАСПОРТ

– Ўзбекистонда паспортларни алмаштириш ва беришни тартибга соладиган, қабул қилинган меъёрий ҳужжатлардан кўринишича, эски намунадаги амалдаги паспорт бўлган тақдирда **2015 йил 31 декабргача** ташвишланишга ҳожат йўқ.

2012 йил январдан бошлаб республикада Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони (23.06.2009 йилдаги ПФ-4117-сон) амалга оширишнинг иккинчи босқичи бошланди, унга мувофиқ 2011–2015 йилларда аҳолининг амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси **паспорти** биометрик паспортга **босқичма-босқич** алмаштирилади.

Биометрик паспортлар олиш тартибини белгиладиган янги Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом (Президентнинг 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармони билан тасдиқланган) билан белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг **амалдаги паспорти**, фуқаролиги бўлмаган шахснинг **эски намунадаги амалдаги гувоҳномаси** ва Президентнинг 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом **2015 йил 31 декабргача** амал қилади.

Фуқаро **16, 25, 45 ёшга** тўлганда ҳамда фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган санаси ўзгариши ёки ёзувларда ноаниқликлар аниқланганлиги муносабати билан, шунингдек **паспорти йўқолган ёки шикастланган тақдирда эски намунадаги паспорт биометрик паспортга алмаштирилади**, бунинг учун ушбу ҳолатларни тасдиқладиган ҳужжатлар тақдим этилади.

Кўрсатилган ҳолларда **биометрик паспорт олиш учун** доимий рўйхатга олинган ёки консуллик ҳисобда турадиган жойдаги йиғиш пунктига (ички ишлар органларининг кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бошқармаси, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасасига) **паспортининг амал қилиш муддати тугагач бир ойдан кечикмасдан, биринчи марта паспорт олаётган шахс эса 16 ёшга тўлгандан кейин бир ойдан кечикмасдан мурожаат этади. Агар фуқаро Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқётганида паспортнинг амал қилиш муддати бир йилдан камроқ вақтни ташкил этса, паспорт алмаштирилиши мумкин.**

Энди паспорт 10 йилгача белгиланган намуна бўйича берилади ва ўзбек ҳамда инглиз



тилларида, Қорақалпоғистон Республикаси учун эса қорақалпоқ, ўзбек ва инглиз тилларида персоналлаштирилади, муддати тугагандан кейин улар алмаштирилиши керак.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқётган, 16 ёшга тўлмаган болаларга биометрик паспорт 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади, ушбу муддат тугагандан кейин у йиғиш пунктига топширилади. Алоҳида ҳолатларда – агар ўсмир республика ҳудудидан ташқарига чиқётган вақтда унинг ёши 15 дан ошган ва 16 ёшга етишига 1 йилдан кам вақт қолган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг **биометрик паспорти 16 ёшга тўлмаган шахсга 10 йил муддатга берилиши мумкин.**

Биометрик паспорт янги Низомда назарда тутилган тартибда доимий рўйхатга олинган жойдаги йиғиш пунктида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ)га буюртманома юборилгандан кейин **10 иш куни мобайнида**, хорижда 15 иш куни мобайнида, **йўқотилган тақдирда эса – ариза берилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида берилади.** Фуқарога янги паспорт бериш чоғида ДПМ илгари берилган паспортни олиб қўяди ва уни йўқ қилади.

Биометрик паспорт олиш учун белгиланган шаклдаги ариза тақдим этилади, унга илгари берилган паспорт; туғилганлик ҳақида гувоҳнома (биринчи марта расмийлаштирилаётганда); 35 x 45 мм ўлчамдаги фотосурат; **энг кам иш ҳақининг 50%и миқдоридан давлат божи тўланганлиги ҳақида** квитанция илова қилинади (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 6-банди).

Агар фуқаро қўл бармоқ излари олинишидан бош тортса ва кўзойнакда ёки бош кийимда суратга тушиш истагидан қайтмаса, маълумотларни йиғиш пункти унга паспорт расмийлаштиришни рад этиш ҳуқуқига эга.

Батафсилроқ ахборотни ички ишлар органлари бўлинмаларидан олиш мумкин, улар паспортларни биометрик паспортларга алмаштириб беришни бошлаб юборганлар.

Римма СОЛОДОВНИКОВА,
эксперт-юристикимиз.

ЛИЦЕНЗИЯНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН АСОС ЙЎҚ

26.12.2011 йилдаги ЎРҚ-312-сон Қонунга мувофиқ Олий Мажлиснинг 12.05.2001 йилдаги «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида» қарорининг 1-иловасига куйидаги ўзгаришлар киритилади:

- 1) 62-хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш»;
 - 2) 63-хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такроллаш, сотиш, прокатга бериш»;
 - 3) 64-хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Фонограммаларни тайёрлаш»;
 - 4) 67-хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш».
- Мазкур Қонун у расман чоп этилган пайтдан бошлаб кучга кирди.
Илгари 1-иловадаги тегишли хатбошиларда куйидагилар кўрсатилган:
«Бадий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш»;
«Киновидеофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш»;
«Киновидеомаҳсулотлар прокати»;
«Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни яратиш, ишлаб чиқариш, ёзиб олиш, кўпайтириш ва реализация қилиш».

Вазирлар Маҳкамасининг 28.06.2002 йилдаги 236-сон қарорига 1-иловада Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхати келтирилган, унга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси, хусусан, куйидаги фаолият турларига лицензиялар беради:

бадий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш;
киновидеофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш;
киновидеомаҳсулотлар прокати.

Вазирлар Маҳкамасининг 236-сон қарори 4-банди билан белгиланишича, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги янгиланган тегишли Низомлар қабул қилингунга қадар янги лицензиялар бериш, илгари берилган лицензияларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, уларни қайта расмийлаштириш лицензияловчи органлар томонидан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунга ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, мазкур Қонунга зид бўлмаганда, амалга оширилади.



Бизнинг фаолиятимиз лицензияланадиган фаолиятдир. Ваколатли ишчи органи бизга киновидеомаҳсулотлар ва дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш ҳуқуқига лицензия берган.

Юқорида кўрсатилган Қонунда «ЭҲМ учун яратилган дастурлар» тарзида кўшимча мавжуд.

Шу муносабат билан тушунтириб берсангиз: биз ЭҲМ учун яратилган дастурлар билан савдони амалга оширган тақдиримизда фаолиятимиз лицензиясиз юритилган фаолият деб топиладими?

Илгари берилган лицензияга тегишли ўзгаришлар киритиш лозимми?

Б.Охунжонов.



– Йўқ, лицензияни қайта расмийлаштириш керак эмас. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг (25.05.2000 йилдаги 71-И-сон) 20-моддасида лицензиат (юридик шахс) лицензияни қайта расмийлаштириши лозим бўлган ҳолларнинг батафсил рўйхати берилган, булар – юридик шахс қайта тузилган, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгар-

ган ҳоллар. 20-моддада сизнинг ҳолатингиз назарда тутилмаган.

Янги лицензияни олиш ҳам керак эмас, чунки сизда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш ҳуқуқига лицензия бор. Унда «ЭҲМ учун» деган аниқлаштириш бўлма-са-да, мазкур лицензия берилган муддатга ҳақиқийдир. Бинобарин, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ сиз мазкур лицензия бўйича фаолиятни

унинг амал қилиш муддати тугашигача амалга оширишга ҳақлисиз.

Бироқ мазкур соҳани ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши муносабати билан ундаги ўзгаришларни кузатиб бориш керак. Мазкур соҳани тартибга соладиган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган тақдирда эса уларга амал қилиш лозим.

Елена ЕРМОХИНА,
эксперт-юристикимиз.

Реклама



Электрон маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.
Тел./факс:(998 71) 283-23-74.

E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz



ҚОНУНИ БИЛМАСЛИК ҚИММАТГА ТУШАДИ

Агар бир йил болани парваришlash нафақасини олмаган бўлсам, энди эса ўз ҳуқуқимдан хабар топиб, мурожаат қилсам, корхона менга ўтган йил учун нафақа тўлаши керакми?

Виолетта.

– Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг¹ 3-бандига биноан оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) болани парваришlash учун нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган ойдан, бироқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кундан олдин бўлмаган муддатдан тайинланади.

Болани парваришlash учун нафақа тўлови корхоналарда (ташкilotларда) ишлаётган оналар (она ўрнини босувчи шахслар) учун ушбу корхоналарнинг (ташкilotларнинг) ўз маблаглари ҳисобидан амалга оширилади. Корхоналар (ташкilotлар) томонидан болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлаш учун сарфланган маблаглар шу давр харажатларига киритилади ва даромад солиғини ҳисоблашда солиқ

солинадиган база ушбу суммага камайтирилади.

Баён этилганларни ҳисобга олиб, **корхона сиз мурожаат қилмаган вақт даври учун нафақа тўлашга мажбур эмас**, фақат сизга нафақа тўлаш рад этилганлигини исботлай олишингиз истисноли ҳолат саналади. Бола 2 ёшга тўлгунча уни парваришlash ва ушбу муддатга нафақа тайинлаш тўғрисидаги рўйхатга олинган ариза исбот бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Агар сиз бундай ариза билан мурожаат қилган, бироқ нафақа олмаган бўлсангиз, юқорида кўрсатилган Низомнинг 11-бандига мувофиқ болани парвариш қилиш бўйича нафақалар тайинланган, лекин ўз вақтида талаб қилиб олинмаган (тўланмаган) бўлса, нафақалар ўтган вақт учун тўланиши лозим бўлган даврда назарда тутилган миқдорларда тўланади.

Бюджет ташкilotларида ишлайдиган аёлларга Ишлайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг² амал қилиши татбиқ этилади. Уни олиш учун мазкур аёллар яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилишлари керак, бу ерда уларга **оиланинг даромадларини ҳисобга олган ҳолда нафақа тайинланиши** мумкин, бундан бола тўлиқсиз оилада ёки ногирон болали оилада тарбияланган ҳоллар мустасно. **Нафақа** она ёки унинг ўрнини босувчи шахс фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига **муурожаат қилган ойдан бошлаб тўланади**, бироқ **бола туғилган ойдан кейинги ойдан олдин эмас**. Нафақа 12 ойлик муддатга тайинланади, бироқ у бола 2 ёшга тўладиган ойдан кейин тўланмайди.

Кейин ҳам мазкур нафақани олишга эҳтиёжмандлик бўлган тақдирда уни олган шахс тўловларнинг аввалги 12 ойи тугашига бир ой қолганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига белгиланган тартибда бола 2 ёшга тўлгунча уни парваришlash нафақасини узлуксиз тўлашни давом эттириш масаласини ҳал этиш учун қайтадан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Реклама



Электрон маълумотнома тизими

ПЕНСИЯЛАР. НАФАҚАЛАР. ИМТИЁЗЛАР

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.
Тел./факс: (998 71) 283-23-74. E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

ПЕНСИОНЕР БЎЛИШ УЧУН БОЛАЛАР АСОС БЎЛА ОЛМАЙДИ

Февралда 50 ёшга тўлдим, 5 болани тарбиялаганман, пенсияга чиқа оламанми?

Е.Хайдарова.

– Йўқ, 2010 йил декабрида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси ва 12-моддасининг «з» бандига киритилган ўзгартиришлар муносабати билан **сиз** бешта болани дунёга келтирганлигингиз муносабати билан **умум-белгиланган ёшни 5 йилга камайтирган ҳолда имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга эмассиз**. Бундай ҳуқуқ болалиқдан ногирон болаларни тарбиялаган, камида 20 йиллик иш стажига эга бўлган оналар учун сақлаб қолинган.

Сизнинг ҳолатингизда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи умум-белгиланган тартибда юзага келади. Унга мувофиқ аёлларга

55 ёшга етганда ва камида 20 йиллик иш стажига бўлганда, бунга болаларни парваришlash даври, бироқ у 3 йилдан кўп бўлмайди, олий ўқув юртида кундузги ўқиганлик ва Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб борилган иш вақти киради, ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилади.

Агар сизда **декрет таътиллари, ўқув юртларида ўқиш вақтини ҳисобга олмаганда** 20 йиллик иш стажига бўлса, башарти Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари лозим даражада тўланган бўлса, юқорида айтилган Қонуннинг 12-1-моддаси билан белгиланган тартибда, пенсия олиш ҳуқуқи 54 ёшга етганда юзага келади.

Римма СОЛОДОВНИКОВА, эксперт-юристимиз.

ПЕНСИЯГА ҚАЧОН ЧИҚИЛАДИ?

Дастлабки пенсия нафақаларидан бири Пруссияда XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Ўртача ҳаёт давомийлиги 47 ёшни ташкил қилган ўша даврда 70 ёшдан кейингина уни олишга умид қилса бўларди.

Бугунги кунда турли мамлакатлар фуқароларининг пенсия ёши бир-биридан фарқ қилиб, кўпгина омиларга боғлиқдир.

ЕВРОПА ДАСТУРЛАРИ

Яқиндагина **Буюк Британияда** эркаклар учун пенсия ёши иш стажига камида 44 йил бўлиши шарт билан 65 ёшни, аёллар учун эса тегишинча 39 йил бўлганда 60 ёшни ташкил этарди. Бироқ 2010 йилдан буён Бирлашган Қироллик аҳолисининг аёл фуқаролари эркаклар билан тенг равишда 65 ёшдан пенсияга чиқяпти. Агар иш стажига юқоридаги рақамлардан кам бўлса, пенсия ёши катталаштирилиши ёки ижтимоий нафақа тўлови суммаси қисқариши мумкин – бугунги кунда у ҳафтасига 100 фунтни* ташкил этади.

Германия энг самарали пенсия тизимларидан бирига эга. У XIX аср охирида жорий этилган бўлиб, ҳозиргача амал қилади. Ушбу мамлакатдаги пенсия стаж ва касбий малака даражасига

боғлиқ. Ишловчи аҳоли ҳар ой, одатда, ўз иш ҳақининг 20%ини кекса фуқаролар жамғармасига тўлаб, пенсионерларни таъминлайди. Бундан ташқари, йирик корхона ходимларига корпоратив пенсия тўланади. Германияда эркаклар ва аёллар учун пенсия ёши бир хил – 65 ёш бўлиб, 2012 йилдан у 67 ёшга чиқарилади.

Бир неча йил давомида **Данияда** ҳам пенсия ёшини аввал 67 ёшга, кейин 69 ёшга ошириш режалаштирилмоқда. **Испанияда** пенсия ёши 65 ёшга тенг, бироқ 60 ёшдан бошлаб давлат қисқартирилган пенсия тўлайди.

ОСИЁ ТАЖРИБАСИ

Ҳиндистонда, биринчидан, барча штатларда пенсиялар турлича, иккинчидан, деҳқон ва ишчилар учун у жуда кичик сум-

мани ташкил этади, юқори лавозимдагилар учун тўловлар салмоқли бўлиши мумкин. Мамлакатда келгусида қанча пенсия олишни мустақил ҳисоблаш имконини берадиган муайян пенсия тизими мавжуд эмас.

Хитойда расмий пенсия тўловлари мавжуд эмас. Бироқ фуқаро нуфузли лавозимда ишлаган бўлса, кексалиқда пул олишга умид қилса бўлади. Лекин ушбу тўловларни олиши мумкин бўлган ходимнинг ёшини компаниянинг ўзи белгилайди. Ҳозир Хитой ҳукумати кўпроқ пенсия тизимини ишлаб чиқишни мўлжалламоқда, бунда Россия тажрибаси ўрганилмоқда.

Турли мамлакатларда пенсия ёши кўпинча аҳоли ҳаёт давомийлигига боғлиқ. Ўтган аср 50-йиллари бошида сайёрамиз аҳолисининг ўртача ёши 48 дан 52 ёшгача бўлган, ҳозир – 68 дан 72 ёшгача.

Бугунги кунда энг катта пенсия ёши Японияда – 70 ёшни ташкил этади. Бу ҳаёт давомийлиги билан изоҳланади: Кунчақ юрт мамлакатидан у анча юқори бўлиб, ўртача 82 ёшни ташкил этади.

АВВАЛ ПЕНСИЯ ЁШИГА ЕТИШ КЕРАК

Россияда пенсияга чиқувчилар ёшини ошириш масаласи тобора кўп муҳокама қилинмоқда. Бундай таклифларга статистика асос бўляпти: 100 нафар россиялик пенсионерларга 123 нафар ишловчи фуқаро тўғри келяпти, аслида у бирга икки нисбатида бўлиши керак. Пенсия ёшини оширишнинг умумжаҳон амалиётини ҳар 10 йилда ҳаёт давомийлиги ошаётганлиги билан ҳам изоҳласа бўлади. Аслида Россияда бу рақам унча катта эмас – эркаклар ўрта ҳисобда 62 йил яшайдилар.

Россия ва Белоруссияда пенсияга чиқиш ёши ҳозирча бизнинг мамлакатимизда бўлганидек қолмоқда.

Қозогистонда пенсия ёши оширилган: аёллар 58 ёшда,

Хорижда

эркаклар эса 63 ёшда пенсияга чиқади.

Арманистонда эркаклар аёллар учун ягона пенсия ёши 63 ёшни ташкил этади. Азербайжанда ёшга доир меҳнат пенсияси олиш ҳуқуқи 2012 йил 1 январдан эркакларга 63 ёшда ва аёлларга 58,5 ёшда берилмоқда. 2016 йил 1 январгача аёллар учун ҳар йили пенсия ёшини 60 ёшга етгунча 6 ойга ошириш назарда тутилган. Илгари Азербайжанда пенсия ёши эркаклар учун 62 ёшни, аёллар учун 57 ёшни ташкил этган.

Украинада ўтган йил 1 октябрдан пенсия тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида қонун кучга кирди. Унда 10 йил давомида аёллар пенсия ёшини 60 ёшгача ошириш, уларнинг суғурта стажини 20 йилдан 30 йилга, эркакларникини 25 йилдан 35 йилга етказиш назарда тутилган.

Пенсия ислохотлари барча мамлакатларда энг кўп муҳокама қилиниб, низолашиладиган масалалардан биридир. Ҳар йили бутун дунёда кўп сонли статистик тадқиқотлар ўтказилади, пенсия дастурларига қўшимчалар киритилиб такомиллаштирилади, бироқ ҳозирча – на давлатдан пенсия олаётган кексалар тўлов суммасидан, на қарилликни моддий таъминлаётган ишловчи ёшлар қониқиш ҳосил қиладиган рисоладагидек пенсия тўловлари чизмасини ҳеч ким яратмаган.

Хорижий матбуот материалларидан.

*1 фунт стерлинг ≈ 2 874,6 сўм (8.03.2012 йил ҳолатига кўра)

МОДДИЙ ЖАВОБГАР ШАХСНИНГ АЛМАШИШИ

Яқинда мен жамиятнинг кадр хизматини бошқара бошладим. Бир ҳафта ишлаб, куйидаги масалага тўқнаш келдим. 2012 йил 12 март – тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилган ходимнинг охириги иш куни.

Эртаси куни, яъни 2012 йил 13 мартда, ушбу лавозимни янги ходим эгаллайди, у билан ҳам биз тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузишимиз керак. Ишдан бўшайдиган ходим қачон товар қимматликларини топшириши керак?

Кадрлар бўлими бошлиғи.

– Меҳнат кодекси (бундан кейин – МК) 99-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек муддатли меҳнат шартномасини унинг муддати тугашигача, бу ҳақда иш берувчини 2 ҳафта аввал ёзма равишда оғохлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Оғохлантиришнинг муддатини ҳисоблаш иш берувчи томонидан ходимнинг ишдан бўшатиш тўғрисида аризаси олинганидан кейинги кундан бошланади. Муддат тугаганидан кейин ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосда унга ишониб топширилган қимматликларнинг ҳисоб-китобини учун жавобгардир. Пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан тузилган тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (МК 203-моддасининг биринчи қисми).

Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса – иш берувчи билан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади (МК 203-

моддасининг учинчи қисми).

Бухгалтерия ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш учун корхоналар захиралар инвентаризациясини ўтказишлари шарт, унинг давомида захираларнинг мавжудлиги, ҳолати ва баҳоланиши текширилади ва ҳужжатлар билан тасдиқланади (АВ томонидан 2.11.1999 йилда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган 19-сон БХМС «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»нинг 13-банди).

Инвентаризацияларни ўтказиш тартиби (ҳисобот йилида инвентаризациялар сони, уларни ўтказиш саналари, инвентаризацияларнинг ҳар бирида текшириладиган захираларнинг рўйхати ва ҳоказо) корхона раҳбари томонидан белгиланади, уларни ўтказиш мажбурий бўлган ҳоллар бундан мустасно (19-сон БХМСнинг 2.7-банди).

Инвентаризацияни ўтказишнинг мажбурий ҳоллари 19-сон БХМСнинг 1.5-банди билан белгиланган. Уларга, хусусан, моддий жавобгар шахсларни алмаштириш (ишларни қабул қилиш-топшириш кунида) киради.

Шу тариқа, ишдан бўшаётган ходим ишга қабул қилинаётган ходимга товар қимматликлари топшириши учун иш берувчи ходим томонидан ишдан бўшаш тўғрисида ариза берилган пайдан бошлаб жуда қисқа муддат ичида инвентаризация ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқариши керак. Бироқ иш берувчи икки ҳафта давомида – 2012 йил 12 мартга қадар ва комиссия томо-



нидан далолатнома қабул қилинишигача ишлар топширилиши таъминлаши керак.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун 9-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ бирламчи ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида ёки улар ўтказилганидан кейин тузилади. Бирламчи ҳисоб ҳужжатларини тузган ва имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида ва тўғри тузилганлиги, ишончлилиги, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун белгиланган муддатларда топшириш учун жавобгар бўладилар.

Моддий қимматликлар янги ходим – моддий жавобгар шахсга 2012 йил 13 мартдаги далолатнома бўйича топширилади.

Агар камомад аниқланса, иш берувчи уни аниқлаган кундан бошлаб 1 йил мобайнида, ходим меҳнат муносабатларини тўхтатган ёки тўхтатмаганлигидан қатъи назар, ходим иш берувчига етказган моддий зарарни қоплаши тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир (МК 270-моддасининг биринчи қисми).

Меҳнат кодексининг қоидаларидан келиб чиқишича, меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ходимни корхонага етказилган зарар учун моддий жавобгарликдан озод қилмайди. Яъни ҳатто ишдан бўшаганидан кейин ҳам у қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ўзининг қарзларини тўлиқ сўндириши шарт.


Бунда шуни ёдда тутиш лозимки, инвентаризация ва ишларни қабул қилиш-топшириш ўтказилишини ташкил этиш ходимнинг эмас, балки иш берувчининг вазифасидир. Шу сабабли агар ишнинг охириги кунгача инвентаризация ўтказилмаган бўлса, ходим меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ишлар ва товар-моддий қимматликларни топшириш таомилларида иштирок этиш учун собиқ иш берувчининг олдида бориши шарт эмас.

Абдусалом
РИСҚУЛЛАЕВ,
эксперт-юригимиз.

Менинг 12 ёшга тўлмаган икки фарзандим бор. Ҳеч қачон қўшимча ижтимоий таътилдан фойдаланган эмасман, энди ишдан бўшаш чоғида компенсация олмақчиман. Мен қонунга кўра шундай қила оламанми?

Р.Ҳасанова.

ТАЪТИЛ – АСЛ ҲОЛИДА



– Сиз хатингизда ўз вақтида қонуний қўшимча таътил берилмаганлиги сабабларини кўрсатмагансиз. Мазкур вазиятни ҳал этиш учун лозим тартибда рўйхатдан ўтказилган (девохона ёки кадрлар бўлимида), ушбу ҳуқуқ юзага келган бутун иш даври учун фойдаланилмаган қўшимча таътилга компенсация тўлаш илтимос қилиниб, иш берувчи номига ёзилган ариза билан мурожаат қилиш лозим.

Иш берувчи ходимнинг пул ундиришига доир талабларини ҳеч қандай муҳлат билан чекламай, ҳамма вақт учун қондиришига ҳақлидир (МК 275-моддасининг биринчи қисми). Меҳнат шартномаси бекор қилинганида сизга қонуний қўшимча таътилнинг барча кунлари учун компенсация тўланиши керак, чунки ушбу ҳолда ходим барча фойдаланилмаган йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пулли компенсация олади (МК 151-моддасининг биринчи қисми). Бироқ рад жавоби берилган ёки низо мавжуд бўлиб, ходим кейин меҳнат низоларини кўрувчи органга мурожаат қилганда ходимнинг фойдаланилмаган таътил учун пулли компенсация тўлаш тўғрисидаги талаблари тўлиқ ҳажмда қондирилади (МК 275-моддасининг иккинчи қисми). Меҳнат низоларини кўраётганда ушбу қоидага риоя этилиши суд томонидан текширилишининг зарурлигига Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти) бекор қилинишини тартибга соладиган қонун ҳужжатларининг қўлланиши тўғрисида» қарори (17.04.1998 йилдаги 12-сон) 48-бандида эътибор қаратилган. Бундай ҳолда иш берувчи суд чиқимларини ҳам тўлаши шарт бўлади.

Агар ходимларга қонуний меҳнат таътили, шу жумладан қўшимча ижтимоий таътиллари ҳам ўз вақтида берилмаганлиги ҳоллари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига маълум бўлса, иш берувчининг айбдор мансабдор шахси меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун МЖТКнинг 49-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортилиши ва энг кам иш

ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача бўлган миқдорда жаримага тортилиши мумкин.

Қоидаларга кўра меҳнат таътилидан у берилган иш йили тугашига қадар фойдаланиш керак. Фақат фавқулудда ҳолларда, ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътил бериш мумкин бўлмаганда, ходимнинг розилиги билан унинг 12 иш кунидан ошадиган қисми (МКнинг 146-моддаси) кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, мазкур йил мобайнида ундан албатта фойдаланилиши керак (МК 143-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмлари). Ходимнинг розилиги билан таътилнинг фойдаланилмаган кунларини пулли компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилади. Бироқ ушбу ҳолда ходимга асл ҳолида 15 иш кунидан иборат бўлган асосий таътил ва барча турдаги қонуний ижтимоий таътиллари, шунингдек МКнинг 137 ва 138-моддаларида назарда тутилган ноқулай шароитларда ишлаганлик учун қўшимча таътиллари берилиши керак, таътилнинг қолган қисми пулли компенсация билан алмаштирилади (МК 151-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари). Фақат шундан кейингина ходим ишга киришиши мумкин.

Шу тариқа, 12 ёшгача икки ва ундан кўп боласи ёки 16 ёшгача ногирон боласи бўлган аёлларга ҳар йили камида 3 иш кунидан иборат қўшимча ҳақ тўланадиган таътил берилиши керак (МК 232-моддасининг биринчи қисми). **Ушбу кунлар асосий меҳнат таътилига қўшилади. Бунда уларни, ҳатто аёлнинг хоҳишига кўра ҳам пулли компенсация билан алмаштириш мумкин эмас, чунки қўшимча таътилнинг ушбу тури ижтимоий таътилларга киритилган ва асл шаклида фойдаланилиши керак (МК 151-моддасининг учинчи қисми).** Бундай таътил берилмаган вазият меҳнат ҳуқуқини бузиш ҳисобланади ва уни компенсациялаш талаби айбдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортган ҳолда меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартибида қондирилиши керак.

Римма
СОЛОДОВНИКОВА,
эксперт-юригимиз.

Реклама



Электрон маълумотнома тизими

КАДРЛАР БЎЙИЧА МАСЛАХАТЧИ

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.
Тел./факс:(998 71) 283-23-74.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни мени кадрлар бўлимининг бошлиги ўз ҳузурига чақирди. Унинг айтишича, тасодиф туфайли меҳнат дафтарчасида ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзув ўзбек тилида, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ёзув эса рус тилида қайд этилиб қолибди. Сўнг у меҳнат дафтарчаси ҳали раҳбар томонидан тасдиқланмаганлигини тушунтирди.

Менда шубҳа пайдо бўлди. Охирги ёзувни тузатиш мумкинми ва керакми?

Корхона ходими.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ТЎЛДИРИШ ТИЛИ

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси ва «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг¹ 1-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари **давлат тилида** юритилади, ишловчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда **бошқа тилларда** ҳам амалга оширилиши мумкин («Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 10-моддаси).

Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг² (бундан кейин – *Йўриқнома*) 2.1-бандига мувофиқ меҳнат дафтарчалари Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида, Қорақалпоғистон Республикасида эса қорақалпоқ ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат тилларида иш берувчи томонидан ходимнинг иштирокида тўлдирилади.

Меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиниши, бошқа доимий ишга ўтказилиши каби барча турдаги ёзувлар иш берувчи томонидан буйруқ берилгандан сўнг киритилади ва бу ёзув буйруқнинг мазмунига мос бўлиши шарт (*Йўриқноманинг 2.2-банди*).

Ходимнинг иши, бошқа доимий ишга ўтказилиши тўғрисида нотўғри ёки ноаниқ ёзувлар аниқланган тақдирда, аниқлаштирилгандан кейин, улар бундай ёзувни киритган иш берувчи томонидан тўғриланади ва тасдиқланади (*Йўриқноманинг 2.4-банди*).

Ёзув уни ҳақиқий эмас деб топиш ва тўғри

¹21.10.1989 йилдаги 3561-ХI-сон (янги таҳрири).

²Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.



ёзув киритиш йўли билан тузатилади. Меҳнат дафтарчасининг «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида ёзувларни чизиб ўчиришга йўл қўйилмайди (*Йўриқноманинг 2.8-банди*).

Ходимнинг иши ёки бошқа доимий ишга ўтказилиши ва шу қабилар ҳақидаги тўғриланган маълумотлар буйруқнинг асл нусхасига айнан мос бўлиши керак (*Йўриқноманинг 2.7-банди*).

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ходимнинг мазкур ташкилотда ишлаган даврида меҳнат дафтарчасига киритилган иши тўғрисидаги маълумотлар корхона раҳбари ёки унинг томонидан махсус ваколат берилган шахснинг имзоси ва корхона ёки ходимлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланади (*Йўриқноманинг 3.1-банди*) ва ишдан бўшатиш кунида ходимга меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилиши шарт (*МКнинг 108-моддаси*).

Шу тариқа, юқорида айтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг маъносидан келиб чиқилса, **ходимнинг меҳнат дафтарчасига киритилган барча турдаги ёзувлар буйруқ матнига мувофиқ бўлиши керак.**

ХОДИМ 15 ЁШДА БЎЛСА

Бу йил ўғлим 14 ёшга тўлди.

Ёзги таътил вақтида у почта бўлимида ишламоқчи.

Шу ёшдан ишга жойлашса бўладими?

А.Абдурахмонова.

– Илгари, 2009 йил 25 декабрда, Меҳнат кодекси (бундан кейин – *МК*) 77-моддасининг иккинчи қисмига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун (7.01.2008 йилдаги *ЎРҚ-139-сон*, бундан кейин – *ЎРҚ-139-сон Қонун*) 20-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ умумтаълим мактаблари, хунар-техника билим юртлари, ўрта ўқув юртларининг 14 ёшга тўлган ўқувчилари билан ўқишдан бўш вақтда уларнинг соғлиғига зарар етказмайдиган ва ўқитиш жараёнига халал бермайдиган энгил меҳнатни бажариш учун меҳнат шартномасини тузишга (ота-оналарининг бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс розилиги билан) йўл қўйиларди.

«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг (24.12.2009 йилдаги *ЎРҚ-239-сон*, бундан кейин – *ЎРҚ-239-сон Қонун*) 1-моддасига мувофиқ *МК 77-моддасининг иккинчи қисмига* ва *ЎРҚ-139-сон Қонуннинг учинчи қисмига* ўзгартишлар киритилди. Хуллас, уларга биноан, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг **ўқувчилари билан** уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жара-

ёини бузмайдиган энгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун – улар 15 ёшга тўлгандан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан меҳнат шартномаси тузилиши мумкин.

Мазкур меъёр 2009 йил 25 декабрдан (*ЎРҚ-239-сон Қонун «Халқ сўзи» газетасида расман чоп этилган кундан*) бошлаб кучга кирди.

Қўшимча равишда сизга шуни маълум қиламизки, 18 ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитли ишлар рўйхати МАИМКВ ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг АВ томонидан 29.07.2009 йилда 1990-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига иловада келтирилган.

Шунингдек, *МКнинг 241-моддасига* биноан, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди (*Ун саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида низомнинг¹ II бўлими; Ўсмирлар учун оғир юкларни кўтариш ва ташишларида йўл қўйиладиган чегарадаги юкмааларнинг санитария нормалари² II бўлими*).

¹МАИМКВ, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг АВ томонидан 12.05.2009 йилда 1954-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

²Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария шифокори томонидан 29.10.2001 йилда 0116-01-сон билан тасдиқланган.

Жамиятимиз иккита янги жамиятга бўлинди. Менга собиқ иш берувчи билан меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ушбу янги жамиятлардан бирига ишга жойлашишни таклиф қилишяпти. Мен эса таътилга чиқмоқчи эдим. Янги иш жойида таътил беришлари учун 6 ой ишлашим керак бўлади.

Бундай таомил зарурми ёки янги жойга ўтказиш билан чекланса бўладими?

С.Назаров.

– *МК 98-моддасининг биринчи қисмига* мувофиқ **корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек корхона қайта ташкил этилганда** (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) **меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади** (яъни ходимлар билан меҳнат муносабатларини тугатиш ва ишга янгидан қабул қилиш керак эмас).

Албатта, қайта ташкил этишда жамият ходимлари сони ёки штати амалда қисқариши мумкин. Бунда одатда штат жадвали ўзгаради, унга янги таркибий бўлинмалар, лавозимлар киритилиши, айрим лавозимлар эса ундан чиқарилиши мумкин.

Бўлғуси қайта ташкил этиш ва меҳнатга оид муносабатларнинг келгусида бекор қилиниши тўғрисида ходимлар камидан 2 ой олдин ёзма равишда огоҳлантирилиши керак (*МКнинг 102-моддаси*).

Агар янги штат жадвалида ходимнинг лавозими сақланган бўлса, **штатни қисқартириш бўйича** меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлмайди ва меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг розилиги билан давом этиши мумкин.

Мазкур ҳолда четдан ходимларни қабул қилиш ҳуқуқи тўғрисида эмас, балки ходимлар сони ёки штатининг ўзгариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилингандан ишда қолди-

ИШДАН БЎШАШ ЎРНИГА ТАЪТИЛ



риш учун имтиёзли ҳуқуқ тўғрисида сўзлаш ўринлидир (*МКнинг 103-моддаси*).

Бунинг учун тахминан қуйидаги мазмунда буйруқ чиқариш керак: «А» МЧЖнинг «Б» МЧЖ ва «В» МЧЖга бўлиниши муносабати билан «А» МЧЖ ходимлари уларнинг розилиги билан қуйидаги санадан бошлаб «Б» МЧЖда (ходимлар рўйхати) ва «В» МЧЖда (ходимлар рўйхати) ишловчилар деб ҳисоблансин».

Ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига шу каби ёзувларни қайд этиш лозим. Ёзувлар учун юқори-

да айрилган буйруқ асос бўлади.

Бироқ ходим янги шароитларда ишлашни давом эттиришни хоҳламаса, *МК 98-моддасининг биринчи қисмида* назарда тутилган ҳолларда у билан меҳнат шартномаси *МК 100-моддаси* иккинчи қисмининг 1-бандига мувофиқ (жамиятнинг қайта ташкил этилиши (бўлиниши) муносабати билан) бекор қилинади, чунки жамиятнинг бўлиниши жамият фаолиятини тугатиш деб эътироф этилиб, унинг ҳуқуқ ва

мажбуриятлари янги ташкил этилаётган жамиятларга берилади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддаси; «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 98-моддаси).

Шу сабабли кадр масалалари бундай ҳал қилингандан сизга таътил режалаштирилган вақтда берилишига умид қилсангиз бўлади.

Реклама



Электрон маълумотнома тизими

КАДРЛАР БЎЙИЧА МАСЛАХАТЧИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.
Тел./факс: (998 71) 283-23-74.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

Бўлимга 3 ой синов муддати билан ходимни ишга олдим. Бир ой ишлаб, у ишдан бўшашга қарор қилди, мени кетишдан уч кун олдин огоҳлантирди. Бироқ раҳбар мендан ходим 2 ҳафта ишлаб беришини талаб қиляпти. Ходим бундай қарорга қўшилмади, чунки синов даврида эди.

Ходим меҳнат муносабатларини аввалроқ тугата оладими?

Бўлим бошлиғи.

– Ҳа, тугата олади.

Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 84-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси куйидаги мақсадда дастлабки синов шarti билан тузилиши мумкин: ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш;

ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эт-

тиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Дастлабки синов муддати

ҚОНУНИЙ 3 КУН

3 ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир (МК 87-моддасининг биринчи қисми). Уч кунлик огоҳлантириш муддати ни қисқартиришга фақат тарафлар келишувига кўра йўл қўйилади.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиб фақат ходимнинг ёзма аризаси ҳисобланади, ариза унинг ҳақиқатан ҳам

меҳнат муносабатлари бекор қилинишини хоҳлашини акс эттириши керак. Бунда ходим меҳнат муносабатларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишига нима сабаб бўлганлигининг аҳамияти йўқ. Меҳнат шартномаси синов муддати давомида ходим ташаббусига кўра бекор қилинаётганда қонунда кўрсатилган ёки тарафлар келишувига кўра белгиланган огоҳлантириш муддати тугагач, ходим ишга чиқмаслик ҳуқуқига эга. **Бунда иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор**

қилишни кечиктиришга йўл қўйилмайди (Олий суд Пленумининг 17.04.1998 йилдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» 12-сон қарори 10, 11-бандлари).

Шу тариқа, **дастлабки синов даврида меҳнат муносабатлари бекор қилинганда иш берувчи 2 ҳафта ишлаб беришни сўраса, бу ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини кўпол тарзда бузиш бўлади.**

Текшириш давомида бундай ҳолатлар аниқланганда иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

ШИФОКОР СТАЖИ УЗИЛГАНМИДИ?

Саволларга жавоблар, хусусан, меҳнат ва дам олиш масалалари бўйича тушунтиришлар чоп этиладиган газетангиз материалларини қизиқиб муталаа қиламан.

1997 йилдан оилавий поликлиникада участка шифокори бўлиб ишлайман. 1 тоифага эгаман.

2009 йил октябридан 2011 йилгача чақалоқни парваришlash бўйича давлат томонидан кафолатланган таътилда бўлдим. Болам касал бўлгани учун поликлиника маъмуриятини хабардор қилган ҳолда ишга 2 йилу 20 кундан кейин, яъни қонуний 2 йилдан 20 кун ўтказиб чиқдим.

Ҳар 3 йилда участка шифокорларига асосий иш ҳақининг 10%и кўшилган, хуллас, менинг устамам 40%ни ташкил қилган эди.

Ҳозирда мендан устамамни ҳам, тоифамни ҳам олиб қўйишди, бунга стажим узилганлиги билан асослашди.

Танишларим бундай бўлмаслигини тушунтиришди.

Тушунтириб берсангиз, маъмурият ҳақлими, бундай вазиятда мен қандай йўл тутишим керак?

З.Норхўжаева. Тошкент шаҳри.

– Вазирлар Маҳкамасининг 21.12.2005 йилдаги «Тиббиёт шифокорлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 276-сон қарори (бундан кейин – 276-сон ВМК) билан Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткаси (276-сон ВМКга 1-илова) ва Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом (276-сон ВМКга 2-илова) тасдиқланди ва 2006 йил 1 январдан амалга киритилди.

Шифокор ходимлар учун разрядлар эгаллаган лавозими ва тегишли тоифага боғлиқ ҳолда тариф сеткаси бўйича белгиланади (276-сон ВМКга 2-илова-нинг 10-банди). Масалан, I тоифали мутахассис шифокор 8-разрядга, I тоифадаги умумий амалиёт шифокори 9-разрядга эга ва ҳоказо.

Айрим муассасалар, бўлинмалар ва лавозимларда (276-сон ВМКга 2-илова-нинг 24-банди) узлуксиз иш стажини учун устамалар поликлиникаларнинг ҳудудий участкалари участка терапевтларига, ўсмирлар врачларига, участка педиатрларига ва участка тиббиёт ҳамшираларига, поликлиникалардаги терапия ва педи-


атрия бўлимлари мудирларига: узлуксиз ишланган биринчи 3 йил учун ва ҳар бир кейинги 2 йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан;

устаманинг энг кўп миқдори – 40 фоиз миқдорда белгиланади.

276-сон ВМКни бажариш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори билан Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисида низом¹ (бундан кейин – 1537-сон Низом) тасдиқланди.

Жамғарма маблағларидан самарали, аниқ тарзда фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тиббиёт муассасалари ҳузурида тегишли тиббиёт муассасаси раҳбари бошчилигида ва касаб-ушумаси ташкилоти вакиллари иштирокида ташкил этиладиган махсус комиссия қарори асосида қабул қилинади (276-сон ВМКнинг 3-банди).

Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини тасарруф этиш учун тиббиёт муассасаларидаги махсус комиссиялар тўғрисида низомга² (бундан кейин – 1536-сон Низом) биноан Комиссия ўзини кўрсатган тиббиёт ходимларига Жамғарма маблағлари ҳисобидан базавий тариф ставкаларига



аниқ миқдорларда ойлик устамалар белгилаш йўли билан моддий тақдирлашни ташкил этади ва ушбу устамаларнинг миқдорларини ўзгартириш ва уларни бекор қилиш масалаларини кўриб чиқади (1536-сон Низомнинг 4-банди).

Комиссиянинг қарори унинг мажлиси баённомаси билан расмийлаштирилади, унга Комиссия раиси ва ҳозир бўлган барча аъзолари имзо чекадилар ва у тиббиёт муассасасининг муҳри билан тасдиқланади (1536-сон Низомнинг 9-банди).

Комиссия томонидан Жамғарма маблағларини тасарруф қилиш бўйича қарорлар қабул қилинганда унинг раиси Комиссия ишидаги ҳолислик ва ошкораликни ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлайди (1536-сон Низомнинг 11-банди).

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларига иш муддати учун устама олиш ҳуқуқини берадиган ихтисослик бўйича узлуксиз иш стажини 276-сон ВМКнинг 2-иловасига доир 3-иловага биноан белгиланади. Ихтисослик бўйича иш стажини белгилаш учун ҳужжат бўлиб меҳнат дафтарчаси ҳисобланади.

Узлуксиз иш стажига киритиладиган вақт даврлари белгиланган, бунинг учун бевосита ундан аввал ва ундан кейин

устама олиш ҳуқуқини берадиган ишда ишлаган бўлиш лозим. Масалан, ходим ишламаган, бироқ унинг иш жойи (лавозими) сақланган ва давлат ижтимоий сурғуртаси бўйича нафақа олган вақт, бундан бола 2 (3) ёшга етгунча уни парваришlash таътилида бўлиш даврлари мустасно.

Шунингдек ишдан бўшатилганидан кейин тиббиёт ва фармацевтика ходимлари лавозимидаги ишга қабул қилинганда узлуксиз иш стажини сақлаб қолиш шартлари назарда тутилади.

Сизнинг мурожаатингизга қараганда 1997 йилдан бери меҳнат муносабатларини юритиб келасиз ва меҳнат шартномаси бекор қилинмаган. Болани парваришlash таътилида бўлган давр эса (2 йилу 20 кун – 2009 йил октябридан 2011 йилгача) узлуксиз иш стажидан чиқарилган. Ўзининг умумий меҳнат стажингиз ушбу 20 йилу 20 кунга кўпаймаган, бироқ узилмаган ҳам. **Айни шунга асосан сизнинг меҳнат стажингизни узилган деб ҳисоблаш асоссиздир.**

Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарори (18.12.2009 йилдаги 319-сон) билан Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом (бундан кейин – 319-

сон Низом) тасдиқланди. 319-сон Низомнинг 33-бандида белгилашничи, асосий ишдан ажралган ва асосий ишдан ажралмаган ҳолда ўқишда малака тоифасини олиш учун тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш барча шаклларида жами мажбурий давомийлиги врач кадрлар учун – камида 8 ҳафта (288 соат) ҳажмида белгиланади.

Хатингизда 1997 йилдан бери участка шифокори бўлиб ишлаб, I малака тоифасига эга эканлигингизни кўрсатгансиз. Бироқ малака тоифасини олиш учун малака ошириш тизимида охириги марта қачон таълим олганлигингизни кўрсатмагансиз.

319-сон Низомнинг 62-бандига кўра тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг сифатини назорат қилиш ва баҳолашга ўқиш тугаллангандан кейин мутахассислик бўйича аттестацияни ўз ичига оладиган якуний назорат қиради.

Бинобарин, **малака тоифасини белгилаш ёки бекор қилиш масаласи – аттестация комиссиясининг хос ҳуқуқи бўлиб, у тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни амалга оширадиган муассаса ректори (директори)нинг буйруғи билан тасдиқланади.**

Шу тариқа, юқорида саналган меъёрларнинг мазмунини муассасангиз раҳбариятининг ҳаракатларида, сиз юқорида айтилган талабларни бажарган бўлсангиз, қонун ҳужжатларининг талаблари бузилганлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва сарфлашнинг ҳолислиги, тўғрилиги ва унинг тартибига риоя этиш учун жавобгарлик тегишинча тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари, махсус комиссия аъзолари, шунингдек соғлиқни сақлаш бошқармаси юқори органлари раҳбарларининг зиммасида бўлганлиги сабабли (1537-сон Низомнинг 20-банди) сиз ўз меҳнат ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этишингиз лозим.

¹АВ томонидан 14.01.2006 йилда 1537-сон билан рўйхатдан ўтказилган.
²Соғлиқни сақлаш вазирлиги, МАИМКВ ва МВнинг АВ томонидан 14.01.2006 йилда 1536-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

Криминалист эксперт ён дафтаридадан

ИЗЛАР КЎП НАРСАДАН ДАРАК БЕРАДИ

Ҳар хил излар – трасологик экспертиза объекти. Энг аввало одам изи шундай объект ҳисобланади. Трасология илмининг каттагина бўлими – гомоскопия айни шуни (одам изларини) текширишга бағишланган. Трасолог экспертларга қўл (бармоқ) изларини бот-бот текширишга тўғри келади. Дактилоскопик экспертиза криминалистик таҳлилнинг қадимий турларидан биридир. Бундай экспертиза китоблар ва фильмлар орқали газетхонларимизга яхши таниш. Шак-шубҳасиз, дактелоскопик идентификация қилиш бугунги кунда ҳам, таъбир жоиз бўлса, таниб ва аниқлаб олишнинг «пири» саналади. Лекин у одам изини экспертиза қилишнинг бирдан-бир ва ягона тури эмас.

Эксперт сифатида одам оёқлари изининг, аниқроқ қилиб айтганда, ялангоёқ ёки пойабзал ёхуд пайпоқ кийган ҳолдаги изларни, аҳён-аҳён бўлса-да, текширишга тўғри келади. Услубий адабиётларда тиш, пешона, бурун, қулоқ излари ҳам қайд этиб ўтилган. Илмий тадқиқотларда, масалан, қулоқларнинг шакли ва ҳажми индивидуал хусусиятга эга эканлиги, бинобарин идентификация қилиш учун яроқлилиги қайд этилган. Лекин бизга амалиётда қулоқ, пешона ва бурун изларини текшириш билан боғлиқ ҳолатлар учраганича йўқ.

Тиш излари билан боғлиқ ҳолатларга эса, кам бўлса-да, дуч келганмиз. Ўттиз йилдан мўлроқ иш тажрибамда фақат икки марта тиш изларини текширишимга тўғри келган. Икки сафар ҳам бу излар олмада қолдирилган эди.

Нисбатан яқинроқда содир бўлган бир воқеада ҳодиса со-

дир бўлган жойдан келтирилган олмадаги тиш излари қотилликда гумон қилинмаётган шахсга тегишли эканлиги аниқланди. Излар олмани тишлаган одамнинг пастки жағида қозик тишлари орасида бешта тиш борлигидан далолат берарди. Гумонланувчининг пастки жағидан олинган қолипда эса қозик тишлар орасида нисбатан каттароқ тўртта тиш бор эди. Умумий белгилари бўйича, яъни тишларнинг сони ва ўлчами бўйича тафовут шу зайил аниқланди. Энди олмадаги тиш излари ҳалок бўлган кимса, ёки унинг оила аъзоларидан бири томонидан ёхуд гумон қилинувчининг эҳтимолий шериги томонидан қолдирилганлигини тергов аниқлаб бериши керак эди.

Анчагина олдин содир бўлган бошқа воқеа экспертиза эр-хотиннинг қатли билан боғлиқ оғир жиноят содир этилганидан бир неча йил ўтганидан кейин амалга оширилганлиги учун ҳам ёдим-

да сақланиб қолган. Воқеа содир бўлган жойда тишланган олма топилган экан. Терговчи билимдонлик билан иш тутган: олмани сақлаб қўйишни таъминлашдан ташқари, олманинг тишланган жойидан гипсли қолип олдирилган.


Қотилликни бир неча йил мобайнида фош этишга муваффақ бўлинмаган. Табиийки, ўтган вақт ичида олма қуриб қолган, яхши ҳамки гипс қолипда тишланган жойи муқобил изларининг дастлабки ҳолати қайд этилган эди.

Бир гал тезкор маълумотлар асосида тергов гумон қилинувчининг изини топди. Ана шунда трасологик экспертиза тайинланди. Бизга олманинг ўзини ҳамда олма тишланган жойдан олинган гипс қолипни келтириб беришди. Шунингдек гумон қилинувчининг юқори ва пастки тишларидан олинган қолипни ҳам тақдим этишди.

Бу қизиқ текширув одам тишлари жойлашувини синчковлик билан ўрганиб чиқишни ва тиш

излари бўйича шахсни идентификация қилиш усулларини диққат билан ўрганишни тақозо этди. Натижада олмадаги тиш излари қотилликда гумон қилинаётган кишига тегишли деган хулосага келинди. Шундай қилиб, экспертларимиз терговга ҳақиқатни аниқлашда яна бир бор ёрдам бердилар.

Суд-тиббийга оид махсус адабиётларда жабрланувчининг терисида қолган тиш излари билан боғлиқ воқеалар тавсиф этилган, лекин бундай ҳолларда текшириш ишларини криминалистлар эмас, балки суд-тиббий экспертлари амалга оширадилар. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон томонидан қолдирилган бошқа барча излар каби тиш излари ҳам экспертиза объекти вазифасини ўтайди. Бинобарин идентификация қилишда тиш излари муайян иш юзасидан далил вазифасини ўтайдиган жиноят белгиси деб қаралиши мумкин.



ҚОИДАГА РИОЯ ЭТИШ ОДАТИ

Ишлаб чиқаришда ва транспортда хавфсизлик техникаси қоидаларини бузувчиларнинг айримлари қоидалар биз учун ёзилмаган деб ҳаволаниб юрадилар. Ҳолбуки, қоидалар аввал жабрланган ёки ҳатто ҳалок бўлганлар билан боғлиқ аччиқ тажриба асосида яратилиши барчага аён. Тўғри, маълум вақтгача қоидаларга риоя этмаслик хайрли яқун топиши мумкин. Аммо кўза кунда эмас, кунда синади деган нақл бежиз айтилмаган.

Бундан анча йиллар муқаддам кўп қаватли бир бино қурилишида ишлаётган қурувчилар пастга тушиб чиқишдан эриниб, юқорида, томда тушлик қилмоқчи бўлишди. Улардан бири шерикларининг рўпарасига, том четидаги бетон бўртмага оёқларини чалиштириб ўтириб олди. Орқага тойиб кетишдан хавотир олган ёши улғуроқ қурувчилар унга бошқа бехатарроқ

жойга ўт дея маслаҳат беришди. Аммо ёш йигит ҳеч нарсадан тап тортмаслигини кўрсатмоқчи бўлгандек, жойида ўтираверди.

Қўққисдан қурилишнинг пастки қисмида темир конструкциялар қаттиқ қисирлаб кетди. Бундан чўчиб тушган йигит орқасига бир мункиб, мувозанатни сақлай олмади-да, пастга учди-кетди. У бетон майдончага орқаси билан тушди. Боши ва орқа умуртқаси қаттиқ шикастланиб, ёруғ дунёдан кўз юмди. Мехнат хавфсизлиги қоидаларини кўпол тарзда бузиш йўсинида мужассам топган эҳтиётсизлик ана шундай – фожиали яқун топди.

Яна бир фожиали воқеа анча олдин, чоғроқ бир шаҳарда содир бўлган эди. Бир сафар шахтада авария рўй бериб, уни барта-раф этиш учун таъмирчилар бригадаси етиб келди. Таъмирчилардан бири анча бесабр экан, йўриқнома талабларини бузиб, шахтада йи-

гилиб қолган газ чиқиб кетишини ҳам кутмай, люкка кириб олди. Яхши ҳамки бошқа ишчилар унга эргашмадилар. Сабрсиз йигит бир неча секунддан кейин ис гази таъсирида хушсизланиб, хийла баланд жойдан пастга қараб учди. Бошқа таъмирчилар шахта ҳавоси тозалангач, яъни бир неча минутдан кейин пастга тушганларида йўриқнома талабини бузган йигит, таассуфки, ўлиб бўлган экан.

Мурдани ёриб кўриш катта баландликдан кулаб тушганлик ўлимга сабаб бўлганлигини кўрсатди. Айни бир вақтда марҳум ис гази билан захарланганлиги белгилари ҳам кўриниб турарди. Шундай қилиб, хавфсизлик техникаси қоидаларига беписандлик қилган 30 яшар соғлом йигит ўз айби билан ёруғ дунёни тарк этди, хотини бир бола билан боқувчисиз қолди.

Бунақа фожиали воқеалар содир бўлмаслиги учун қоидаларга қатъий риоя этишга одатланмоқ шарт.

Реклама

«НОМБУР-AUDIT» МЧЖ

ЎзР МВНИНГ 25.10.2009 йилдаги 00614-сон лицензияси

давлат улуши 50% бўлган барча ҳўжалик юритувчи субъектларда

Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ

Барча малакали хизматларни кўрсатамиз

Аудиторлик компанияси 5 та САР халқаро сертификатни, шу жумладан солиқ маслаҳатчиларига эга

Манзил: Қарши ш., Ўзбекистон қўч., 49

Тел.: (8 375) 221 0586, (+99875) 112 0571

Филiaalлар:

Нукус ш., А.Темур кўч., 120

Тел.: (8361) 222 7803, (+99861) 354 7571

Қўмқўрғон ш., А.Навоий кўч., 28

Тел.: (+99876) 399 5330, 243 3560

Эълонлар

ИШ

Ўз иш ҳажмларига эга бўлган боххона расмийлаштируви мутахассислари ва декларантлар керак.

Тел.: 809-26-11, 128-25-08.

РЕАЛИЗАЦИЯ

Тошкентдаги омордан компьютерлар ва ташкилий техника. Нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан*. Тел.: 126-20-17, 215-61-11.

Совуткич камера 3600м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000 сў³). Тел.: 926-32-23, 451-85-00.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*. Тел.: (+99898) 365-33-60, (+99871) 245-75-47.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тузиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.

БОХХОНА ХИЗМАТЛАРИ

«ASTER» ХК – БЮДни расмийлаштириш, юкларни декларациялаш. Тел.: 127-31-08, 809-26-11.

ХИЗМАТЛАР

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.

Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Ольга МАРШАНСКАЯ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси марказининг давлат эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуктаи назарига мос келавермайди.

Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи» да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ

босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс – 186 Буюртма 136 Адади 3 325. Баҳоси келишилган нарҳда

Газета 2012 йил 30 мартда соат 20.00 да топирилди.

ISSN 2010-5223